

НОРАСМИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖИЛОВЛАШДА СОЛИҚ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Тимур Мендалиев

Фискал институти магистранти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11084702>

Аннотация. Мақолада норасмий иқтисодиётнинг мазмун-моҳияти ва уни қисқартириши масалалари ўрганилган. Шунингдек, норасмий иқтисодиётни жиловлашда солиқ механизмларининг аҳамияти ва улардан фойдаланишини таомиллаштириши масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: норасмий иқтисодиёт, хуфёна айланма, солиқ, солиқча тортши, солиқ сиёсати.

ISSUES OF IMPROVING TAX MECHANISMS IN CURBING THE INFORMAL ECONOMY

Abstract. The article explores the meaning and essence of the informal economy and the issues of its reduction. Also, issues of the importance of tax mechanisms and improvement of their use are covered in the control of the informal economy.

Key words: informal economy, clandestine circulation, tax, taxation, tax policy.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НАЛОГОВЫХ МЕХАНИЗМОВ В БОРЬБЕ С НЕФОРМАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКОЙ

Аннотация. В статье рассматривается природа неформальной экономики и ее сокращение. Также подчеркнута важность налоговых механизмов в сдерживании неформальной экономики и вопросы совершенствования их использования.

Ключевые слова: неформальная экономика, нелегальный оборот, налог, налогообложение, налоговая политика.

Норасмий иқтисодиёт кўлами ва даражаси мамлакат солиқ тизимининг қай ахволда экани, шунингдек, давлат солиқ хизматининг профессионаллик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Чунки, айнан ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги, яъни солиқ тизими ва солиқ маъмурчилиги лозим даражада таомиллашмаган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт нисбатан ривожланган бўлади.

Норасмий иқтисодиётнинг салбий оқибатларидан яна бири унинг коррупция билан чамбарчас боғлиқлиги ва шу сабабдан давлат сиёсатига путур етказиши ҳамда унга бўлган ишончсизликни юзага келтиришида намоён бўлади.

Норасмий иқтисодиёт ва давлатнинг солиқ тизими бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, норасмий иқтисодиётнинг ривожланиши мамлакат солиқ тизимини издан чиқаргани каби,adolatsiz, юқори босимли (солиқ юки оғир), бўшлиқлари кўп, издан чиққан солиқ тизими иқтисодиётнинг норасмий сектори янада кенгайишига хизмат қиласди.

Адабиётларда норасмий иқтисодиётнинг бир қатор салбий жиҳатлари ва оқибатлари ҳақидаги фикрларни учратиш мумкин. Бундай салбий жиҳатларнинг ичида энг сезиларлиси бу фискал муаммолардир.

Солиқ механизми орқали хуфёна иқтисодиётни бартараф этиш масалалари бўйича тадқиқот олиб борган Жамоловнинг таъкидлашича, иқтисодиётда хуфёна сектор

кўламининг кенгайиши натижасида давлат сезиларли ҳажмдаги молиявий ресурслардан маҳрум бўлади. Бу ҳолат давлатнинг фискал функцияси янада кучайтирилишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, расмий равишда фаолият кўрсатувчиларнинг ахволини мураккаблаштириб, уларнинг зиммасига қўшимча солик юки бўлиб тушади.

Халқаро эксперталар томонидан олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, жаҳон иқтисодиётининг қарийб 1/3 қисми норасмий сектор хиссасига тўғри келади. Бу кўрсатич мамлакатларнинг ривожланганлик даражасига қараб кескин фарқ қиласди. Хусусан, яширин иқтисодиётнинг салмоғи иқтисодий ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 9-20 фоизини, ривожланаётган мамлакатларда эса 25-65 фоизни ташкил қилиши аниқланган.

Шунингдек, адабиётларда, шунингдек, норасмий иқтисодиёт мавжуд бўлишининг ижобий жиҳатлари ҳам борлиги тўғрисида фикрларни учратиш мумкин. Масалан, Флеминг ва бошқалар норасмий иқтисодиётнинг айrim жиҳатлари, хусусан, бозор иқтисодиётига ўтишга кўмаклашиши, яширин иқтисодиётда олинган даромадларнинг камида 2/3 қисми расмий иқтисодиётда сарфланиши ва бошқалар иқтисодиётнинг расмий секторига билвосита ижобий таъсир қилишини эътироф этишади. Айrim муаллифларнинг фикрига кўра, яширин иқтисодий фаолият оқибатларини бир хил баҳолаш мумкин эмас. Яширин иқтисодиётнинг кўпгина турлари (айниқса «кулранг») расмий иқтисодиётнинг ривожланишига тўсқинлик қилмасдан, балки унга кўмаклашади.

Хуфёна иқтисодиётнинг маълум бир давлат мисолида қанчалик даражада ривожланганлигини аниқ белгилаб бўлмайди. Ушбу ҳодисанинг мавжудлиги натижасида юзага келувчи бир қатор омиллар унинг тахминий даражасини мутахассислар иштирокида жаҳон мамлакатларида мавжуд бўлган хуфёна иқтисодиётнинг улушкини аниқлайди.

Соҳа вакилларининг таъкидлашича, норасмий иқтисодиёт шаклланиши ва ривожланишига мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-хуқуқий ва бошқа бир қатор омиллар таъсир қиласди.

Хусусан, иқтисодий омилларга ҳисоб-китобларнинг нақд пулда амалга оширилиши, солик ставкаларининг юқорилиги, иқтисодий инқироз жараёнларининг чўзилиб кетиши (узоқ вақт давом этиши), тадбиркорлик субъектлари ўртасида носоғлом рақобат мухити шаклланганлигини киритиш мумкин.

Қолаверса, жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, яширин иқтисодиётнинг ҳажми ва динамикасини қуидаги омиллар белгилайди:

- солик солишининг оғирлиги;
- олинадиган даромад миқдори;
- иш вақтининг узунлиги;
- ишсизлик миқёси;
- давлат секторининг роли.

1-жадвал

Норасмий иқтисодиётнииг ривожланишига сабаб бўлувчи

асосий омиллар¹

Омиллар	Барча сабаб бўлувчи омилларга нисбатан фоизда
Солик ва ижтимоий тўловлар юки	35-38
Солик маданияти	22-25
Давлат институтлари (фаолияти) сифати	10-12
Меҳнат бозорининг ҳолати (тартибга солинганлик даражаси)	7-9
Пул ўтказмалари ҳолати (назорати)	5-7
Давлат секторининг хизматлари (ҳолати)	5-7

Жадвалдан кўринадики, иқтисодиётда норасмий сектор юзага келиши ва ривожланишига бир қанча омиллар, шу жумладан, солик юки даражаси, солик маданияти, давлат институтлари фаолиятининг сифати, меҳнат бозорининг тартибга солинганлик даражаси, пул ўтказмаларининг назоратга олинганлиги ва бошқалар сабаб бўлади.

Бироқ, барча потенциал сабаблар ичida солик юки омили мамлакатда хуфёна иқтисодиёт кучайишига таъсир қилувчи энг салмоқли омил ҳисобланниб, барча омилларнинг қарийб 40 фоизини ташкил қилган.

Лаффер ва бошқа халқаро экспертларнинг фикрича, солик ва ижтимоий тўловлар юки 33 фоиз бўлса, бу яширин иқтисодиёт кўпайишининг кескин нуқтаси ҳисобланади.

Хусусан, Лаффер солик юкининг мақбул даражаси, Ж.Кейнс томонидан таклиф қилинган 20 фоиз билан собиқ француз президенти В.Жискар Д.Эстен таклиф қилган 40 фоизли ставка ўртасида жойлашган, деб ҳисоблайди. Ушбу масалага батафсилроқ тўхталиб, у даромадларни соликқа тортишнинг оптимал ставкаси сифатида 30 фоизли ставкани илгари суради².

Давлат солик муносабатларида солик үндириш ҳукуқи билан чиқар экан, албатта соликқа тортишнинг оғриқсиз оқилона меъёрини ҳар томонлама пухта ўйлаган ҳолда ўрната билиши керак.

Мамлакатда солик маданиятининг қай даражада шаклланганлиги ҳам норасмий иқтисодиётга олиб келувчи асосий омиллардандир.

Маълумки, солик тўлаш интизомини таъминлашнинг энг самарали йўли солик маданиятини юксалтиришdir. Солик маданияти деганда кўпчилик солик тўловчиларнинг ўз солик мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ бажаришларини тушунишади. Бошқача айтганда, солик маданияти факат солик тўловчиларгагина таъллуқли, деган тушунча кенг тарқалган.

¹ Schneider F., Williams C.C. The Shadow Economy. The Institute of Economic Affairs, London 2013. P. 44.

² Налоговые реформы. Теория и практика: монография /под ред. И.А.Майбурова, 10.Б.Иванова, - М.: ЮНИТИ- ДАНА, 2010. - С.30

Адабиётларда норасмий иқтисодиётни қисқартириб расмий секторга ўтказиш ва унга қарши самарали курашишнинг бир неча йўллари мавжудлиги келтирилади.

Бироқ, хуфёна иқтисодиётни ҳеч қачон ва ҳеч қаерда бутунлай йўқотиб бўлмаган.

Фақат унинг кўламини ва кўринишини давлатнинг оқилона иқтисодий сиёсати, хусусан, мукаммал ва қайишқоқ соликка тортиш тизими орқали қисқартириш ва тартибга келтириш мумкин.

REFERENCES

1. Алимов Р.М., Тошев З.К. “Хуфиёна иқтисодиёт” - коррупция даражасининг ортишига таъсир кўрсатувчи омил сифатида. // Жамият ва бошқарув. - Тошкент, 2014. №1.34-38 б.
2. Тагаев Б.А. “Хуфиёна иқтисодиёт” иқтисодий хавфсизликка таҳдид сифатида // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2015, № 3.
3. Жамолов И.З. Хуфиёна иқтисодиётни бартараф этишда солиқ механизмининг таъсири: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. - Тошкент, 2005. - 3-б.
4. Ю.В.Латов, “Экономика вне закона: Очерки по теории и истории теневой экономики”, Монография Москва: Московский общественный научный фонд, 2001 й, 284 бет.
5. Седова Н.Н. (2002) Неформальная экономика в теории и российской практике // Общественные науки и современность, 2002. - № 3.
6. Schneider, F. and Buehn, A., 2018. Shadow economy: Estimation methods, problems, results and open questions. Open Economics, 1(1), pp.1-29.